

Kanoeva Nodira Nusratovna

The specialized boarding school under the presidential Agency of the city of tonaron is a teacher of the 1st school.

### Annotation

This article covers modern approaches in the field of Applied Sciences, methods of pedagogy, cliffs of their conduct, as well as the advantages of STEAM education, the implementation of modern scientific research methods.

**Keywords:** professional , STEAM, process, pedagogy, modern approach, research, method, Conversation, Project, construction, mechanism.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорига кўра мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларнинг узлуксизлигини ҳамда узвийлигини таъминлаш. Шу мақсадда таълим жараёнларига замонавий ёндашувлар асосида дарс жараёнларини ташкил этиш мақсадлидир.

Бугунги кунда STEAM таълими асосида ёндашув ўқувчи ёшларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни кашф қилишга имкон беради.



Қандайдир янгиликни кутиш орқали ўқувчи ёшларда қизиқувчанликни ривожлантиради, ўзи учун қизиқарли масалани аниқлаб олишни, ечимини топишнинг алгоритминини ишлаб чиқишни, натижаларни танқидий баҳолашни, фикрлашнинг муҳандислик жиҳатларини шакллантиришга олиб келади. STEAM таълими технологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда унинг асосида билиш ва бадиий изланиш ётади. Бундай изланиш амалий фаолият жараёнида билимларни олиш, сўнгра улардан амалиётда қайта фойдаланиш, яъни ўйинларда конструкциялар тузиш, техник ижодиёт элементларини қўллаб, билим олишга оид тадқиқот ишларида амалга оширилади.

STEAM таълими ўқувчи ёшларнинг ривожланишини ташқи олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, табиий фанлар атрофимиздаги олам билан бевосита боғлиқ технология кундалик ҳаётимизда доимий равишда қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган, бирор бир касб, кундалик мағулотларимиз озми-кўпми математика фани билан ҳам боғлангандир.

STEAM таълими ўқувчи ёшларнинг ривожланишини ташқи олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, табиий фанлар атрофимиздаги олам билан бевосита боғлиқ технология кундалик ҳаётимизда доимий равишда қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган, бирор бир касб, кундалик мағулотларимиз озми-кўпми математика фани билан ҳам боғлангандир

STEAM дастури, болалар кундалик ҳаётларида дуч келадиган қийинчиликларни енгишга зарур бўладиган **танқидий тафаккур** ва **муаммоларни ечиш** кўникмаларни ривожлантиради. Масалан, болалар тез юрадиган машина моделини йиғишда, сўнгра уни синовдан ўтказишади. STEAM дастури фаол коммуникация ва жамоада ишлаш билан фаркланади.

Мулоқат даврида ўз фикрини баён қилиш ва баҳс-мунозара олиб бориш учун эркин муҳит вужудга келтирилади. Улар гапиришга ва тақдимот ўтказишга ўрганишади. Болалар доимо ўқитувчи ва синфдошлари билан мулоқатда бўлишади. Болалар жараёнда фаол қатнашсалар машғулоти яхши эслаб қоладилар.

STEAM таълими олти босқичдан иборат: **савол (вазифа), муҳокама, дизайн, кўриш, синовдан ўтказиш ва ривожлантириш.**

Бу босқичлар тизимли лойиҳалаш ёндашувининг асоси ҳисобланади. Турли имкониятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ёки биргаликда ишлатилиши ўз навбатида креативлик ва инновациянинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, фан ва технологиянинг биргаликда ўрганилиши кўпгина янги инновацион лойиҳаларни яратишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда бу ёндашув орқали муаммоларни кенг қамровли тушуниш, ижодий фикрлаш, муҳандислик ёндашув, танқидий фикрлаш ва илмий методларни тушуниш ва қўллаш имкониятлари мавжуд.

Таълим беришни ўқув фанлари бўйича эмас, балки мавзулар бўйича интеграциялаб олинади; илмий –техник билимларни реал ҳаётда қўллаш; техник фанларга бўлган қизиқишларини ривожлантириш; лойиҳаларга креатив ва инновацион ёндашув; таълим ва карьера орасидаги кўприк; ўқувчи ёшларни технологик инновацион ҳаётга тайёрлаш каби авзалликлардан ташқари ўқувчиларда муҳим хусусиятлар ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Булатов С.С. Ўзбек халқ Амалий безак санъати. Тошкент 1991 йил.
2. Техника хавфсизлиги қоидалари. Тошкент-2020. Г.Б. Абдиева
3. Бадий ижодкорлик ва дизайн. Технология йўналишидаги тингловчилар учун методик қўлланма. Тошкент-2021. Г.Б. Абдиева.
4. Akhmedovich, M. A., & Fazliddin, A. (2020). Current State Of Wind Power Industry. *The American Journal of Engineering and Technology*, 2(09), 32-36.
5. Solidjonov, D., & Arzikulov, F. (2021). WHAT IS THE MOBILE LEARNING? AND HOW CAN WE CREATE IT IN OUR STUDYING?. *Интернаука*, (22-4), 19-21.
6. Dilmurod, R., & Fazliddin, A. (2021). Prospects for the introduction of artificial intelligence technologies in higher education. *ACADEMICIA: an international multidisciplinary research journal*, 11(2), 929-934.
7. Ibrokhimovich S. R., Mamatojievich M. A. TECHNIQUES FOR CREATIVE WRITING //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 493-496.
8. Ibrokhimovich S. R., Yusupovich I. V. Professional Communication in the Pedagogical Activity of a Teacher //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – Т. 11. – С. 264-268.
9. Ibrokhimovich S. R., Yusupovich I. V. Professional Communication in the Pedagogical Activity of a Teacher //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – Т. 11. – С. 264-268.
10. Ibrokhimovich S. R., Mamatojievich M. A. TECHNIQUES FOR CREATIVE WRITING //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 493-496.
11. Sofiboyeva G. M. DEVELOPMENT INDICATORS OF SPATIAL IMAGINATION //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 161-167.